**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

**Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

**АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ**

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК КАФЕДРАСИ**

**5620900 - Ипакчилик таълим йўналиши битирувчи курс талабаси**

***АҚИЛОВ УЛУҒБЕК ҲАКИМОВИЧнинг***

# *БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ*

***МАВЗУ*: «Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларининг боқиш хусусиятлари »**

**Илмий раҳбар, қ.-х.ф.н., доцент С.Х.Нарзиева**

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
( 17 - йиғилиш)
кафедра мудири, доцент
______ Э.И.Ҳамдамова
« 21 » май 2012 йил

Агрономия факультети
декани, доцент
______ М.А.Ҳайитов
«____» _____ 2012 йил

**Самарқанд – 2012**

*М У Н Д А Р И Ж А*

**Бет.**

**КИРИШ ........................................................................................... 5**

**1. АДАБИЁТЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ...............................................8**

**1.1.Дунё ипакчилиги соҳасини қисқача ривожланиш тарихи ва Марказий Осиё ипакчилиги . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 8**

**1.2. Тут ипак қурти биологияси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. . . . . . . . . 9**

**1.3. Тут ипак қурти коллекцияси ..................................................13**

**1.4. Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотлари . . . . . . . . . . . . . . . . .18**

**1.5. Ўзбекистонда ипак қурти боқиш ..........................................23**

**1.6. Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини боқиш хусусиятлари ва пилла ҳосилдорлиги. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 36**

**2. ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ. . . 42**

**3. 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 45**

**4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ......................................50**

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .................................................... 61**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ............................ 63**

**И Л О В А (интернет маълумотлари)........................................ 69**

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

“Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси 17 - сонли йиғилишининг баённомасидан кўчирма

21 - май 2012 йил Самарқанд шаҳар

Қатнашдилар: каф.мудири, доцент Э.И.Ҳамдамова, профессорлар Т.Э.Остонақулов, И.Ҳ.Ҳамдамов, доцентлар Б.Х.Холмирзаев, Қ.Р.Равшанов, А.У.Умурзоқов, С.Х.Нарзиева, С.Б.Мустанов, Н.Ж.Ходжаева, , катта ўқитувчи М.М.Комилова, ассистентлар С.Санаев, Г.Сувонова, Х.Х.Хонқулов, М.М.Жумаев, Қ.Жўрақулов.

*КУН ТАРТИБИ*

1. Агрономия факультети 5620900 – Ипакчилик таълим йўналиши 4-босқич талабаси Ақилов Улуғбек Ҳакимовичнинг «Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини боқиш хусусиятлари» мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Тингланди: 1. Кун тартибидаги масала юзасидан кафедра мудири, доцент Э.И.Ҳамдамова гапириб, ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 09.06 2010 йил 225-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий иши” тўғрисидаги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК ҳимоясига тавсия этилиши кераклиги айтди. Шундан сўнг 4-босқич талабаси Бердибоев Элдорга битирув малакавий ишини мазмуни билан таништириш учун сўз берилди.

Ақилов Улуғбек ўзининг битирув малакавий ишининг мавзусини долзарблиги, аҳамияти, тўпланган маълумотлар ва уларнинг мазмуни билан таништириб, қилинган асосий хулоса ва тавсияларни ўқиб берди.

Шундан сўнг, кафедра профессор – ўқитувчилари – Э.И.Ҳамдамова, С.Т.Санаевлар Ақилов Улуғбекга мавзу юзасидан 6-7 та саволлар берилди ва битирувчи бу саволларга тегишлича жавоб қайтарди.

Муҳокамада иштирок этган профессор И.Х.Хамдамов, доцентлар Б.Х.Холмирзаев, Э.И.Ҳамдамовалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганларидан сўнг қуйидагича

***Қарор қилинди:***

1. 5620900 – Ипакчилик таълим йўналиши 4-босқич талабаси Ақилов Улуғбекнинг битирув малакавий иши мавзусини долзарблиги, хулоса ва таклифлар ишнинг мазмунидан келиб чиққанлигини ва у барча кўрсатгичлар бўйича ДАК талабига жавоб беришини инобатга олиб, ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Йиғилиш раиси, доцент Э.И.Ҳамдамова

Котиб Ҳ.Х.Хонқулов

# К И Р И Ш

2012 йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устивор йўналишлари”га бағишланган мажлисида Президент И.А.Каримов ўз маърузасида – “Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,3 % ни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир “ – деб таъкидлаб ўтган эди.

2011 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўтган йилларга нисбатан 6,6 % га ортган. Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийиб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилган.

2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида ҳам Президентимиз гапириб, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари, аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганлигини, қишлоқ хўжалигининг 5,8 % га ўсиш суръатлари белгиланганлигини ҳам қайд қилиб ўтди.

Республика мустақилликка эришгандан кейин пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш, пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан Президентимизнинг ва ҳукуматимизнинг бир қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди.

Мазкур фармонлар қарорлар билан соҳа корхоналарига яратиб берилган шарт-шароитлар натижасида кейинги 3 йилда пилла етиштириш ҳажми 2505,9 тоннага кўпайди, 2007-2010 йилларда махсус

ажратилган 10142,5 гектар ер майдонларида янги тутхорлар барпо қилинди. Бундан ташқари йўл бўйлари ва ариқ ёқаларига 20330,1 минг туп тут кўчатлари экилди. Пиллакорларнинг пилла етиштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида унинг харид нархлари 2006 йилга нисбатан 57,8 фоизга, 2011 йилда эса 2 баробарга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 15 ноябрдаги ПК-512 сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда мамлакатда пиллачилик соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар ташкил қилинди.

2010 йилда Республика бўйича 447672 қути ипак қурти парваришланиб, 23972,4 тонна тирик пилла етиштирилди. Тирик пилла етиштириш ҳажми тузилган контрактация-шартномаларга нисбатан 101,1 фоизни, 2008 йилда тайёрланган пиллага нисбатан 102,2 фоизни ташкил қилди. Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили ўртача 53,5 кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 0,9 кг га кўпайди. Илғор вилоятларда бир қути ипак қуртидан ўртача Бухоро вилоятида 57,7 кг, Фарғона вилоятида 56,9 кг, Сурхондарё вилоятида 55,6 кг , Хоразм вилоятида 55,6 кг, Навоий вилоятида 55,2 кг дан пилла олинди. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 51,3 кг ни ташкил қилди.

Ҳукуматимиз пиллакорлар учун мавсумни сифатли ташкил қилиш учун фермер хўжаликларига етарли миқдорда сифатли ипак қурти уруғи, мавсум учун зарур жихоз ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминлади. Пиллакорларга аванс бериш учун 9,4 млрд сўм маблағ ажратилди.

Пилла мамлакатимизнинг энг тез ва эрта тайёр бўладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳисобланади. Пилла ҳосилдорлиги ва пилла сифати кўп жиҳатдан етиштирилаётган ипак қурти зотига боғлиқ бўлади. Ипак қуртининг зотини тўғри танламасдан ва уни боқишни

агротехникасини тўғри тавсия қисмасдан туриб, мўл пилла ҳосили олиб бўлмайди.

Бизлар, шуларни ҳисобга олиб битирув малакавий ишини бажаришда Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини ўрганишни ва уларни республикамиз шароитида боқиш хусусиятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

# I. АДАБИЁТЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

## 1.1.Дунё ипакчилиги соҳасини қисқача ривожланиш тарихи ва Марказий Осиё ипакчилиги.

Кўпгина маълумотларга кўра ипакчиликнинг ватани Хитой бўлиб, Шан-Тунг провинцияси ҳисобланади. Шу жойларда янги эрадан 3 минг аввал биринчи марта ипак ишлаб чиқарилган. Хитойда ипак ишлаб чиқариш уни олувчи манъба ноёб бўлиб, уни сир сақлаган. Ипакчилик билан юқори юқори табақали императорга қарашлигина аёллар шуғулланишган. Қарийиб 20 аср давомида ипак маҳсулоти олишлигини сир тутганлар, кимки уни бошқа давлатгарга юборишга ҳаракат қилишганларини ёки уринганликларини билишса бошларини танасидан жудо қилганлар. Фақат 111 асрда янги эрадан олдин ипакчилик билан шуғулланиш Осиё қитъасини бир бўлагига кириб келади. Хитой билан савдо сотиқ қилганлиги туфайли Италияда ипакчилик янги эрадан олдин 46 йилда бошланган. Фақат 1У асрда янги асрда Ипакчилик фақатгина Хитойда эмас бошқа давлатларга ҳам кўчган. Шу асрда Хитойлик олий табақа император қизни, Бухоролик хон ўғлини яхши кўриб қолиш оқибатида ва унга турмушга чиққанлиги туфайли оғир тақиқ синовлардан ўтиб ипак қурти уруғини соч турмаги орасида яшириб, олиб келади.

Ипакчилик Кавказга У асрда кириб келиб, у Х1У асрда Ширван, Гуржистон, Карабах ва Лезгистонга етиб боради. Шундан сўнг бу сирни Япония ҳам билади. Бу ерда ҳам ипакчиликка Япон халқининг миллий бойлиги сифатида қараб келинмоқда.

Ўрта Осиёда ипакчилик Х1Х аср бошларидан ривожлана бошлаган. Айниқса Фарғона водийсида яхши ривожланган, Тошкент оазисида, Зарафшон дарёси кўл атрофларида, Қашқадарё, Амударё, Мурғобда Ўрта Осиёда бир йилда терилган пилла ҳосили 6500 тонна бўлган. Россияга Фарғонадан, Тошкентдан пилла ҳосили олиб борилган, Бухородан эса пилла

маҳсулоти Ҳиндистонга, Хевадан эса Эронга олиб борилган.X1X асрнинг 70 йилларида Европадан Ўрта Осиёга касалланган тухумларнинг келтирилиши оқибатида “Пебрина “ касаллиги етиб келган ва уруғчилик ишларида орқада қолиш кузатилади.

Ўрта Осиёда ипакчиликни юқори даражага кўтариш масадида Тошкентда пиллакорларнинг 1 съезди бўлади. Бунинг натижасида пахтачилик қўмитаси қошида, ипакчилик маҳсулотларини бошқариш қўмитаси ташкил этилади.

1922 йилда ипак маҳсулотларини тўплаш, уни қайта ишлаш бўйича Ўрта Осиё акционерлик ташкилоти “Туркшелк” ташкил этилган.

1927 йил ноябрь ойида ипакчилик илмий текшириш станцияси базасида “Туркшелк” бўлими бошқарувида биринчи марта Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институти ташкил этилади. Мустақиллик йилларига келиб, бу институт Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти номи билан юритилмоқда.

1998 йил 30 мартда Узбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1998 йил 3 апрелда чикарган «Республика пиллачилик сохасини бошкаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида» ги карори матбуотда эълон килинди.

Бу Фармон ва қарорда Республикада пиллачиликни янада ривожлантириш чоралари аниқ кўрсатиб берилган бўлиб Республикада пилла ва ипак тайёрлаш ягона «Узбек ипаги» уюшмасига бирлаштирилиб, унинг раиси Ўзбекстон Республикаси вазирига, унинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари - вазир ўринбосарларига тенглаштирилди ва Республикамизда ипакчиликни янада ривожланишига катта имкониятлар яратилди.

## 1.2. Тут ипак қурти биологияси

Ипак қурти биологиясида ипак қуртининг ҳайвонот оламида (зоологик классификацияда) тутган ўрни, турлари (гуруҳлари), унинг индивидуал ривожланиш хусусиятларини ва улар билан боғлиқ ходисалар тушунилади.

Табиий ипак фақат ипак қуртларидан олинади, Ўзбекистонда асосан тут ипак қурти боқилади. Табиий ипак эса чиройлилиги, пишиқ ва мустаҳкамлиги, ҳаво ўтказувчан ва чиримаслиги билан бошқа толалардан фарқ қилади.

**Тут ипак қуртининг ҳайвонот оламида тутган ўрни**. Тут ипак қурти зоологик систематикада академик Г. Я. Бей-Биенко таърифича, фақат тут барги озиқлангани учун т у т и п а к қ у р т и (bombyx mori L) тури, қуртлик даврининг охирида мудофаа - қатлам пилла ўрагани учун п и л л а к а ш л а р (Bombycidal) оиласи, вояга етган даврида капалагининг танаси тангачалар билан қоплангани учун т а н г а ч а л и л а р ёки капалаклар (Lepidoptera) туркуми, индивидуал ривожланишида тўлиқ шаклини ўзгартириб ривожлангани учун тўлиқ м е т а м о р ф а з а л и л а р (Holometabola) бўлими, уч жуфт оёқлари, танаси бош, кўкрак ва қорин қисмларига ажралганлиги учун олти оёқлилар ёки ҳ а ш а - р о т л а р (Insecta) синфи, нафас олиш органлари трахеядан тузилганлиги учун т р а х е я б и л а н н а ф а с о л у в ч и л а р (Tracheata) кенжа типига ва ниҳоят оёқлари бўқимлардан иборат эканлиги учун б ў қ и м о ё қ л и л а р (Arthropoda) типига киради.

**Ипак қуртининг турлари.** Табиий ипак фақат тут қурти пилласидан эмас, балки ипак қуртининг сатурнид оиласига кирувчи 20 га яқин туридан иборат бўлган ёввойи ипак қуртларининг пилласидан ҳам олинади. Уларнинг толаси пишиқ, табиий чиройли, рангдор, химиявий моддалар ва бошқа зарарли таъсирларга чидамлилиги билан характерланади. Лекин, толаси тут ипак қуртининг пилласига нисбатан йўғон, ёмон суғирилади (баъзилари йигирилмайди), турли хил рангларга бўялмайди, ипак миқдори кам бўлади. Кўпчилик ёввойи ипак қуртининг пиллаларидан ипак пахта (момиқ) олиниб, улар табиий шароитда, яъни дарахтзор ёки бутазорларда боқилади.

Ёввойи ипак қуртларига Айлант, канакунжут ва Ассам ипк қуртлари, шунингдек, Хитой, Япон ва Ҳиндистон дуб ипак қуртлари киради.0.

А й л а н т  и п а к  қ у р т и айлант дарахтининг баргидан ташқари сирен ва олма дарахтининг барги билан ҳам озиқланади. Булар Ҳиндистон, Хитой ва Ява мамлакатларида учраб, бир йилда 4 маротабагача авлод беради. Пилласи кулранг сариқ тусли чўзинчоқ. Бир қутбида тешиги бор, толаси суқурилмайди.

К а н а к у н ж у т  и п а к  қ у р т и айлант ипак қуртига жуда яқин бўлиб, 4-7маротабагача авлод беради. У канакунжут, сирень, ёввойи олма дарахтиларининг барги билан озиқланади. Уларнинг ўраган пиллалари оқ, жигар ранг қизқиш тусли бўлиб, олинган ипак толаси ялтираб туради. Канакунжут ипак қурти Хиндистон, Хитой ваВьетнам мамлакатларида учрайди.

А с с а м и п а к  қ у р т и ҳаммахўр ҳашаротларга киради. Ярим хонакилаштирилган, йилига 5 тагача авлод беради. Пилласи турли рангда бўлиб, узунлиги 5 см ча, бир томони ўткирлашган кичик тешикчаси бор. Пилласи йигирилади.

Х и т о й  д у б  и п а к  қ у р т и капалаклари йирик, қанотини ёзганда 15-18 см га етади, қанотлари чройли, ҳар бирида кўзча шаклида холлари бор, яхши учади, 15 кунгача яшайди. Ғумбаклик даврида қишлайди. Қуртлари дуб барги билан озиқланиб, баргдан қилофча ясаб пилла ўрайди. Пилласи қўнқир рангли, тухумсимон шаклда, узунлиги 4-6 см, поячали, поячаси ёрдамчи дуб новдасига ҳалқача ҳосил қилиб пилласини илдиради. Саноатда катта аҳамиятга эга.

Ҳ и н д и с т о н  д у б  и п а к  қ у р т и  дуб дарахтининг баргидан ташқари канакунжут барги билан ҳам озиқланади. Пилласи учун – 7 см гача, «оёқчаси» бор, Хитой ва Япон дуб ипак қуртидан фарқи пилласини баргга ўрамасдан навдага ҳалқача ясаб илдиради. Пилласи йирик донадор, узунлиги 4-7 см, яхши йигирилади.

Я п о н  д у б  и п а к  қ у р т и  ё к и  т о қ  и п а к  қ у р т и. Япония, Корея ва Узоқ Шарқда ёввойи ҳолда дуб ўрмонзорларида ва ярим хонакилаштирилган ҳолда боқилади. Улар тухумлик даврида қишлайди, пилласининг оғирлиги 7-8 г

бўлиб, бошқа ёвойи ипак қуртининг пиллаларига нисбатан онсон йигрилади. Ипаги ялтироқ, сарқиш жигар рангда ёки яшил рангда бўлади, яхши технологик кўрсатикичларга эга. Ёвойи ипак қуртларининг Урғочи капалаклари мавсумда ўртача 150 –200 донагача тухум қўяди. Тухумлар кулранг қизқиш тусда бўлиб, оғирлиги 3-5 мг, баъзан 7-8 мг келади.

Каплаклар тухумларини асосан дарахт кавоклари ёки пўстлоқи орасига қўяди. Кўкламда бу тухумлардан (табиий шаротда) қуртлар жонланиб чиқади.

Ёввойи ипак қуртларининг қуртлик даври, қуртнинг турига қараб, 40-50, баъзан 60 кунгача давом этади.

**Тут ипак қуртининг ривожланиш даври**. Умуман ҳайвонлар пост эмбрионал, яъни тухум қўйиб кўпайувчи ҳйвонларда тухумдан чиққандан кейин, яъни тирик бола туқувчи хайвонлар, туқлгандан кейинги ривожланиш даврида шаклини ўзгартирмасдан - м е т а м о р ф о з а с и з ва шаклини ўзгартириш - м е т а - м о р ф о з а ўзи билан ривожланади. Ҳашаротлар метаморфоза йўли билан ривожланувчи хайвонлар гуруҳига киради. Булар ҳам ўз навбатида икки гурухга бўлинади. Шаклини чала ўзгартирувилар – ч а л а м е т а м о р ф о з а л и л а р ва шаклини тўлиқ ўзгартирувчилар – т ў л и қ м е т а м о р ф о з а л и л а р. Чала метаморфоза йўли билан ривожланувчи ҳашаротлар пост эмбрионал ривожланиш даврида учта: т у х у м, л и ч и н к а ва и м а г о (вояга етган даври); тўлиқ метаморфозали хашаротлар эса тўртта: т у х у м, л и ч и н к а, ғ у м б а к ва и м а г о даврларини ўтказади. Чала метаморфозали ҳашаротларга чигиртка, суварак, бешиктерватар, қандала; тўлиқ метаморфозали ҳашаротларга қўнқизлар, асаларилар, пашшалар, капалаклар киради.

Тут ипак қурти тўлиқ метаморфозали ҳашаротлар гуруҳига кириб, тўртта ривожланиш даврини бошидан ўтказади.

1 – тухумлик даври, эмбрионниг ривожланиш ва кўпчилигида қишлаш вазифасини ўтиш давридир.

2 – личинкалик - қуртлик даври. Бу даврда озиқланади, ўсади, ривожланади ва запас озиқ модда тўплайди.

3 - ғумбаклик даври – танасини қайта тиклаш, имаго даврига хос белгиларни ҳосил қилиш, шаклини ўзгартириш – метаморфоза даври.

4 – имаго – капалаклик, яъни жинсий балоқатга етиш, тухум қўйиш – насл бериш даври.

## 1.3. Тут ипак қурти коллекцияси

Ипак қурти зотлари вольтинлиги ва географик келиб чиқишига қараб классификация қилинади.

Ҳамма ипак қурти зотлари ўзининг келиб чиқишига қараб географик гуруҳларга бўлинади. Зотларнинг ҳар бир географик гуруҳи муайян иқлим ҳудуднинг табиий-тарихий шароити асосида келиб чиққан ва шу сабабли бу гуруҳдаги ипак қуртининг биологик хусусиятлари мазкур гуруҳдаги барча зотларга хосдир.

Аввало зотларнинг қандай келиб чиққанидан қатъи назар, халқ селекцияси йўли билан келиб чиққан эски (абориген) зотларни ва кейинги йилларда синтетик селекция йўли билан олинган янги зотларни фарқ қилиш керак.

Тут ипак қуртининг коллекцияси 1922 йилда ташкил топган бўлиб, Тошкент ипакчилик станцияси деб номланган ва уни очилишида 36 та зот бўлган. Шундан сўнг 1927 йилда ташкил бўлган станциянинг базасида Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилган. Кейинчалик коллекция таркиби янги зотлар ҳисобига ортиб боради, бу зотларни алмаштириш ҳисобига бўлган. Айниқса коллекция 1946 йилда бир группа мутахассислар Японияга борганларидан сўнг кўпаяди. Стройчук Н.С., Эммануилов А.И., Федоров А.И., Гусейнов Р.А, Education Зализняк М.М., Болгарияга Силаньева М.Г. 1952-1958 йилларда Хитойдан 14 та ипак қурти зотлари келтирилади. Шу вақтда коллекцияда 8 та зот бор эди, эски селекциядан. Шулардан сўнг коллекцияда Хитой группасига кирган зотлар кўпчиликни ташкил этган.

1965 йили Болгариядан 22 та зотнинг тухуми келтирилган, шулардан 6 таси гибрид бўлиб, у Польшадан эди. Охирги йилларда коллекция Ҳинд зотлари билан 11 та, Руминия зотлари билан 5 тага тўлдирилди.

Ипакчиликнинг тез суръатлар билан ривожланишида давлатимизда коллекция кенгайиб ҳар хил регионлардан зотлар келтирилиши муҳим омил бўлди. Кавказдан, Украина, Россиядан ипак қурти зотлари келтирилди. Бу зотларни келтиришдан мақсад селекция ишларини олиб бориш, янги тизим, зот жинслари бўйича нишонланган зотларни яратишда ва уларнинг дурагайларини яратишдир. Бундан ташқари кўпгина биологияда бўладиган назарий ишларни ўрганиш учун ҳам зарурдир.

Қишлоқ хўжалиги институтлларида агрономия факультетларида таҳсил олаётган талабалар билан амалий дарсларни олиб боришда ёрдам бўлади. Ипак қуртида ураб турадиган касалликларни йўқотишда ҳам коллекция зотлари таркибидан фойдаланилмоқда.

Коллекция ишлаб чиқаришда фойдаланилган дурагайларда иштирок этган зотларни ҳам ушлаб туради. Аввал Ўрта Осиё ипакчилик институти, кейинчалик Ўзбекистон ипакчилик илмий-текшириш институти деб номланиб ипак қурти зотларини кўпайтириш бўйича кўргинаишларни амалга оширди.

Ўзбекистон ипак қуртлари генофондида олдин 185 та тизим зотлар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда бу генофонд коллекциясида 105 та зот бўлиб, дунёнинг ҳар хил экологик иқлим шароитларидаги ҳудудлардан келтирилган.

Ипак қурти зотлари келиб чиқишига қараб 15 гуруҳга бўлинади :

1. Ўрта Осиё (Боғдод)
2. Европа
3. Хитой
4. Япония
5. Корея
6. Ҳиндистон
7. Руминия

8. Кавказ
9. Грузия Тбилиси ИТИ
10. Азарбайжон зотлари АзИИТИ
11. Россия ипакчилик станцияси
12. Украина ипакчилик станцияси
13. САНИИШ зотлари
14. Поливольтин зотлар
15. Генетик зотлар.

Коллекцияда энг кўп яратилган зотларга Грузия, Азарбайжон, Украина, Россия - Собиқ Иттифоқ республикалари ҳамда чет давлат зотларидан Хитой, Япония, Италия зотларидир ва уларга бизлар қисқача таъриф берамиз.

**Ўрта Осиё (Боғдод) гуруҳига кирган зотлар.**

Бу гуруҳга кирувчи 5 та зот бўлиб, Боғдод САНИИШ 3, Боғдод ёпишқоқ тухум, Боғдод қора капалак, Боғдод духоба ранг, Слоним зотлари киради. Бу гуруҳга кирувчи ипак қурти зотлари қуртлари катта бўлиб, ҳамма ривожланиш фазаларида тухумдан капалаккача бўлган даврда пилласи катта бўлиб оқ рангда ғуборли узунчоқ бўлиб бели бироз қисиқ бўлади. Тухуми йирик, қуртлик даврида ранги зебра, гилам рангида бўлиб, ишлаб чиқаришда энг ахамиятлиси Боғдод Слоним зотидир.

**Европа гуруҳига кирувчи зотлар.**

Бу гуруҳга 4 та Италия селекциясига мансуб бўлган Асколи, Сверико, Бионе, Европа 17 зотлари киради. Бу зотларнинг 3 тасини фарқланадиган белгилари уларда пилла қобиғи ранглидир – оч қизғиш, фақат Европа 17 зотида оқ рангли. Ипакчанлиги паст – 15-16% ни ташкил қилади. Чувилиши яхши. Ўртача бу зотларда тухумларининг жонланиши 90,4%, қуртларини ҳаётчанлиги 91,2%, пилла оғирлиги 1,71 г, ипакчанлиги 15,1% ни ташкил қилади.

**Хитой гуруҳига кирувчи зотлар.**

Хитой гуруҳига кирувчи 22 та зотнинг 8 таси халқ селекциясига мансуб бўлиб, Ўрта Осиёга ўтган асрнинг 20 йилларида келтирилган. 14 таси эса 1952-1958 йилларда келтирилган.

Қадимги Хитой зотлари Ора Хитой И-40 ялтироқ, Шантунг, Пай-пи, Ханька, Лунг-чао майда пиллали ҳар хил рангли қобиғига эга бўлган (оқ, оқ қизғиш, олтин рангли, оч қизил). Пилласининг шакли думалоқ узунчоқ урчуқсимон. Ҳамма зотларни пилласи яхши йигирилади. Бу гуруҳга кирувчи зотлар Боғдод зотлари билан чатиштирилиб дурагайлар олиниб 1946-1955 йилларда Ўзбекистонда, Грузияда боқилган.

Хитойдан 1952-1958 йиллар коллекцияга келиб тушган зотлар оқ пилла ўрайдиган бўлиб, Хитой 122, Джень 3, Джень 4, Джень 5, Джень 10, Суская 16, Суская 17, Японская 115, Китайская 108, Китай 109, Китайская 122, С-2, Японская 112, китайская 110.

Ўша йилларда Ўрта Осиёда ва Кавказ орти давлатларида асосан Боғдод зотлари боқилиб, кенг тарқалган ва фақат улар пебрина касалллигига чалингандан сўнг бу зотлар боқилмай қўйилган.

Хитойда яратилган кўпчилик зотлар Японияда ҳам боқилган, уларнинг бир нечтаси Ўзбекистонда ҳам маҳаллий зотлар билан чатиштирилиб махсулдор зотлар яратилган. Бу зотларга Совет 5, САНИИШ 30, Совет 12, Ташкентская 10,11,12,13 зотлари киради.

**Япония гуруҳига кирувчи зотлар.**

Япония давлати пилла етиштириш бўйича кўп йиллар давомида дунёда биринчи ўринни эгаллаб келган. Бу эса ипак қуртларини зотларини асосан географик экологик шароитларга боғлиқ эканлигини, улардан кўплаб ишлаб чиқаришда боқилаётганлигини кўрсатади. Ипак қурти коллекциясида Япон зотларидан 7 таси бор. Шулардан 3 таси Матмукаша, Аожику-сариқ рангли қурт, Японская кўк рангли қуртлар бўлиб, улар ўтган асрнинг 30 йилларида келтирилган. Улар морфологик тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Бу зотларнинг пилласи унча катта эмас ва ипакчанлиги паст, яхши томони ҳаётчанлигидир. Оқ пилла ўрайдиган зотлари билан чатиштирилиб олинган

Белококонная 1, Белококонная 2 зотлари Ўзбекистонда ўтган асрнинг охирларигача боқилган.

**Корея гуруҳига кирувчи зотлар.**

Бу географик муҳитдан Корея 108 зоти бор, бу зот 1960 йилларда Ўзбекистонга келтирилган. Бу зот кўп кўсаткичлари билан Хитой 108 зотига яқин бўлиб, фақат тез етилади. Бу зотдан САНИИШ 22 зотини яратишда фойдаланилган.

**Ҳиндистон гуруҳига кирувчи зотлар.**

Бу гуруҳга қуйидаги зотлар киради: Гонко-Мари, Чунг-Лунг, 13-39, В-40 бўлиб, 1974 йилда Ўзбекистонга келтирилган. В-39 ва 4 Ҳинд зотлари гуруҳига кириб майда пиллали ва кам ипаклидир.

Ҳозирги кунда коллекцияда 7 та Ҳиндистон гуруҳига кирувчи зот қолган.Ўртача биологик кўрсаткичлари қуртларни хаётчанлиги 87,7 %, пилласининг оғирлиги 1,54 г, ипакдорлиги қобиқда 18,1 % ни ташкил этади.

**САНИИШ гуруҳига кирувчи зотлар.**

Бу гуруҳга кирувчи зотлар Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институтида яратилган зотлар киради. Улар ўз вақтида ишлаб чиқаришга тавсия этилган бўлиб, 27 та зотдан иборат, улар ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда.

САНИИШда яратилган зотлар оқ пилла ўраб, шакли думалоқ, бироз чўзинчоқ ва бели букилган ҳолда. Кўплари олдинги йилларда чатиштиришда фойдаланиб улардан Тетрагибрид 3 таркибига кирувчи зотлар САНИИШ 8, САНИИШ 9 яратилиб кенг ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бу зотлар Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам ўстирилмоқда.

САНИИШ 25-м, 27- м зотлари энг аҳамиятли ҳисобланади. Бошқа зотларга қараганда бу зотлар жинслари бўйича нишонланган бўлиб эркак қуртлари танасида маскаси йўқ, урғочи қуртларда эса ярим ой

шаклида маскаси бор. Ўтган асрнинг 60-йилларида бу зотлардан селекция ва уруғчилик ишларида фойдаланилган. Бунинг учун наслчилик станцияларида уруғ заводлари да қуртлар 4-ёшга ўтганда ва 5-ёшнинг 2-3 кунлари маскаларига қараб жинсга ажратиб боқишган. Лекин, бу жараён қийин бўлгани учун ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмади. Қуртлик даврида нишонланган ҳозирда Меченая 1, Меченая 2 зотлари боқилмоқда.

Ипак қуртининг наслига радиация таъсирида жинсга оид генларни наслдан-наслга ўтиб бориш механизми яхши ўрганилгани туфайли ва маҳсулдор жинси бўйича нишонланган зотлар яратилди. Бу зотларни она капалаклари тухум қўйганларида икки хил рангда тухум қўяди. Қора рангдаги тухумдан урғочи, сарғиш ранглигидан (яхши пигментланмаган) эркаклари жонланиб чиқади. Бу ҳолат ипакчиликда 100% ли тоза дурагай олиш имконини беради.

Нишонланган зотларни олишда қора ранг учун жавоб берувчи ген $+w_2$ аутосомадан жинсий хромасомага ўтказилган. Бунинг учун 5 кч ренген таъсирида ғумбаклик даврида таъсир эттирилиб ипак қуртининг X инчи аутосомасидаги $+w_2$ доминант ген бир бўлган аутосом хромасома билан жинсий хромасома w **га** транслокация қилинган. Сурункали чатиштириш орқали рецессив ен $w_2$ гомозигота ҳолатига ўтказилган "оқ тухум". Бундай зотлар ўзаро кўпайтирилганда она капалаклар қора ва оқ рангда тухум қўядилар, фақат оналик генотипида доминант ген $+w_2$ ўтади, занжир ҳолида, оталикка эса рецессив ген $+w_2$ ўтади. Бу белгилар мустаҳкам бўлиб, узоқ йиллар давомида сақланиб қолган. Кейинчалик бошқа генларни ҳам ўтказиш ишлари қилинган. Шу йўл билан Белококонная 1 $+w_2$ $+w_2$, Белококонная 2 $+w_2$ $+w_2$, Белококонная 2 $+w_5$ + $w_5$, САНИИШ 8 $w_3$ $w_3$, САНИИШ 9 $w_2$ $w_2$ зотлари яратилган.

### 1.4. Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотлари

Хитой гуруҳига кирувчи 22 та зотнинг 8 таси халқ селекциясига мансуб бўлиб, Ўрта Осиёга ўтган асрнинг 20 йилларида келтирилган. 14 таси эса 1952-1958 йилларда келтирилган.

Қадимги Хитой зотлари Ора Хитой И-40 ялтироқ, Шантунг, Пай-пи, Ханька, Лунг-чао майда пиллали ҳар хил рангли қобиғига эга бўлган (оқ, оқ қизғиш, олтин рангли, оч қизил). Пилласининг шакли думалоқ узунчоқ урчуқсимон. Ҳамма зотларни пилласи яхши йигирилади. Бу гуруҳга кирувчи зотлар Боғдод зотлари билан чатиштирилиб дурагайлар олиниб 1946-1955 йилларда Ўзбекистонда, Грузияда боқилган.

Хитойдан 1952-1958 йиллар коллекцияга келиб тушган зотлар оқ пилла ўрайдиган бўлиб, Хитой 122, Джень 3, Джень 4, Джень 5, Джень 10, Суская 16, Суская 17, Японская 115, Китайская 108, Китай 109, Китайская 122, С-2, Японская 112, Китайская 110.

Ҳамма яратилган ипак қурти зотлари Ўрта Осиёда ва Кавказ орти давлатларида асосан Боғдод зотлари ташкил қилган. У Туркиядан ўн тўққизинчи асрни 80 йилларида маҳаллий зотлар пебрина касалллигига чалингандан сўнг бу зотлар боқилмай қўйилган.

Боғдод зотларини кўп йиллардан бери боқилиб маҳаллий шароитга мослашганлиги туфайли, кўп йиллар давомида улар ишлаб чиқаришда тоза ҳолида боқилиб келинган. Уларни яхшилаш туфайлиипак қуртларини саноатбоп зотлари яратилди ва шулардан Боғдод, САНИИШ 3 (Эммануилов А.И., Сматрова Л.Я.). Боғдод САНИИШ 3 кўп йиллар давомида Ўзбекистонда боқилди. Буларни дурагайлари ҳаттоки 1950 йилгача ишлаб чиқаришда боқилган. Яратилган Слонимская зоти (Слонин М.М.) бошқа янги зотларни яратилишида илмий манба бўлиб хизмат қилган. Бу зотлар кенг кўламда Ўзбекистонда боқилиб келинди. Буларни биологик кўрсаткичлари ўртача (1980-1985 йй) қуртларни тухумдан чиқиши 89,6%, қуртларни ҳаётчанлиги 86,1 %, пилласининг ўртача оғирлиги 2,0 г, ипакчанлиги 16,7 % ни ташкил қилган.

Келтирилган зотлар асосан оқ пилла ўрайдиган катталиги майда ва ўртача бўлган зотлардир. Зотларнинг кўпчилиги думалоқ шаклда пилла ўрайдиган зотларга кириб, бир қисми узунчоқ бўлиб, пилласининг бели бироз ва ўртача букилган шаклга эга зотлар. Пиллаларининг чувалиши яхши ва Хитой зотлари юқори комбинациялидир. Бу белгилар уларни ўз юртларида кенг кўламда боқилганлигидан дарак беради.

Хитойда яратилган кўпчилик зотлар Японияда ҳам боқилган, уларнинг бир нечтаси Ўзбекистонда ҳам маҳаллий зотлар билан чатиштирилиб махсулдор зотлар яратилган. Бу зотларга Совет 5, САНИИШ 30, Совет 12, Ташкентская 10,11,12,13 зотлари киради. Бундан ташқари кенг ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган зотлардан Японская 115 ва Хитой 108 зотларини кўрсатиш мумкин. Буларни яхшиланиб Белококон 1, Белококон 2 зотлари яратилиб, буларни дурагайлари 1955 йилда Ўзбекистонда ва бошқа МДҲ давлатларида боқиш учун тавсия этилган. Кейинчалик бу зотлар Белококон 1 ва  Белококон 2 лар мураккаб дурагайлар таркибида иштирок этиб, Тетрагибрид 3, Тетрагибрид 4 номлари билан  Ўзбекистон ва қўшни давлатда ишлаб чиқаришда кўп йиллар давомида боқилган. Ҳозирда ҳам бу дурагайлар оз миқдорда боқилмоқда (Л.Ф.Қашқарова, 2008).

**Ҳозирги кунда кенг тарқалган Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларининг таърифи.**

Ипак қурти зотларининг Хитой гуруҳига энг қадимий ва хилма-хил турларга  эга бўлган зотлардир. Бунга сабаб Хитой географик зонасининг хилма-хил : тропик зоналардан токи ўртача зоналаргача бўлиши ва унинг қадимги ипакчилик мамлакати эканлигидир.

Хитой зотлари энг қимматли зот ҳисобланади. Улар бошқа зотлардан ривожланиш даврининг қисқа бўлиши билан, тез жонланиши ва пилласининг технологик жиҳатдан жуда яхши хусусиятларга  эга бўлиши билан фарқ қилади. Хитой зотлари пилласидан ипагининг осон тортилиши, серипаклиги, ипининг ингичка ва пишиқлиги каби хусусиятлари жиҳатдан бошқа ҳамма қадимги зотлардан устун туради.

Хитой зотларининг пиллалари шакли ва рангининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Пилласи асосан овал шаклда бўлади. Лекин, чўзинчоқ, бели ботиқ, ҳамда ўткир учли ва дуксимон (Шантунг) пиллалар ҳам кўп учрайди. Бу гуруҳдаги пиллаларнинг ранги бошқа гуруҳдагиларникига қараганда жуда хилма-хилдир.

Оқ-кумуш рангли, равшан тилла ранг (Оро), пушти (Ханькоу), кўкиш (Шантунг), зарғалдоқ ва бошқа рангли зотлар ҳам бор.

Хитой зотлари пиллалари анча майда бўлиб, ўртача оғирлиги 1,5-2 г, усти майда донадордир. Қуруқ пилладан 40% дан 45 % гача ипак чиқади.

Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқиқот институтининг жонли коллекциясида Оро зотидан ташқари, Хитой оқ зоти, Шантунг, Ханькоу ва бошқа зотлар бўлиб, уларнинг айримларини таърифини келтирамиз.

**ЦЗУ-ДЗУ –** қуртлари оқ маскали ва маскасиз ярим ой шакли билинар-билинмас кўринади. Пилласи оқ, шакли цилиндирсимон, бели букилган, донадорлиги ўртача, пиласининг оғирлиги 1,57 г, ипакчанлиги 16,5 %.

**Цунг-Лунг** – қуртлари оқ сутсимон рангда, пилласининг шакли узунчоқ, бели букилган, цилиндрсимон, ўртача оғирлиги 1,72 г, ипакчанлиги 18,2 %.

**Улунг –** Қуртлари қорамтир гилам рангида, пилласи думалоқ, оқ рангли, кўкимтир ғуборли, пилласининг ўртача оғирли 1,53 г, ипакчанлиги 18,9 %.

**Лунг - Чао -** қурти букри, ранги оч кулранг ва қорамтир, кулранг ярим ой шакли, пилласи цилиндирсимон шаклда, були букилган, учи ингичка ўткир. Донадорлиги майда ва ўрта, ранги оқ, пилласининг оғирлиги 1,42 г, ипакчанлиги 17,2 %.

**Ялтироқ –** қуртлари ялтироқ, маскаси йўқ,ярим ой шакли билинар-билинмас кўриниб туради, пилласи думалоқ, бели букилмаган, донадорлиги ўртача, ранги олтин рангида, пилласининг ўртача оғирлиги 1,53 г, ипакчанлиги – 16,0 %.

**Шань – кул** – қуртлари оч ёруғ-гилам рангида, пилласи цилиндирсимон, шакли озгига бели букилган, оқ рангда, пилласининг ўртача оғирлиги 1,7 г, ипакчанлиги 18,2 %.

**Оро** – қуртлари оқ, маскасиз йўқ,ярим ой шакли билинар-билинмас кўриниб туради, пилласи думалоқ, бели букилмаган, учлари тумтоқ , ўртача, ранги олтин рангида, пилласининг ўртача оғирлиги 1,41 г, ипакчанлиги – 18,2 %.

**Ханькоу** - қуртлари оқ, маскаси йўқ ,ярим ой шаклида, пилласи думалоқ,, учлари тумтоқ, донадорлиги ўртача, ранги оч пушти рангда, пилласининг ўртача оғирлиги 1,61 г, ипакчанлиги – 15,6 %.

**Шантунг** - қуртлари ялтироқ, маскаси йўқ ва ярим ой шаклида пилласи узунчоқ, бели букилмаган, пилласининг бир томони ўткир учли, донадорлиги майда, ранги ола-була, пилласининг ўртача оғирлиги 1,15 г, ипакчанлиги – 13,1 %.

**Сусская** - қуртлари оқ рангда, маскасиз, ярим ой шаклида. Пилласи думалоқ, бели букилмаган, учлари тумтоқ, донадорлиги ўртача, ранги оқ рангида, пилласининг ўртача оғирлиги 1,58 г, ипакчанлиги – 20,4 %.

**Хитой – 110 -** қуртлари аралаш, оқ ва кулранг. Пилласи цилиндр шаклида, бели букилмаган, донадорлиги майда, ранги оқ рангида, пилласининг ўртача оғирлиги 1,6 г, ипакчанлиги – 18,5 %.

**Хитой И – 40 -** қуртлари оқ, маскаси йўқ ва ярим ой шаклида, пилласи думалоқ, бели букилмаган, донадорлиги ўртача, ранги кўк рангида, пилласининг ўртача оғирлиги 1,7 г, ипакчанлиги – 17,0 %.

**Хитой – 28 -** қуртлари оқ рангда, маскали ва ярим ой шаклида пилласи цилиндрсимон шаклда, озгина бели букилган, донадорлиги майда, ранги оқ, пилласининг ўртача оғирлиги 1,6 г, ипакчанлиги – 23,9 %.

**Джень 3 -** қуртлари оқ рангда, маскали ва ярим ой шаклида. Пилласи оқ, узунчоқ озгина бели букилган, донадорлиги ўртача, ранги оқ, пилласининг ўртача оғирлиги 1,88 г, ипакчанлиги – 20,3 %.

## 1.5. Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини боқиш хусусиятлари ва пилла ҳосилдорлиги

Ипак қурти боқишдан асосий мақсад мўл ва сифатли пилла ҳосили олишдир. Шунга кўра Ўзбекистоннинг ҳар хил иқлим шароити бўлган ҳудудларида ҳар хил тут ипак қурти зотлари боқилиб, уларнинг пилла ҳосилдорлиги ўрганилган.

Самарқанд вилояти шароитида Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини боқишга тайёргарлик ишлари ўртача қуйидаги календарь муддатларда бажарилади:

1. Звеноларни янги аъзолар билан тўлдириш - 5-10 мартгача
2. Инкубатория ва қуртхоналар учун ёқилғи тайёрлаш – 15-20 мартгача
3. Кичик ёшдаги қуртлар учун печлар қуриш ва таъмирлаш – 20-25 мартгача
4. Инкубаторияларни тайёрлаш – 25 мартдан – 1 апрелгача
5. Бинони дезинфекция қилиш – 25 мартдан – 1 апрелгача
6. Катта ёшдаги қуртларни боқиш учун печлар қуриш ва таъмирлаш – 1-5 апрелгача
7. Кичик ёшдаги қуртларни боқиш учун сўкчаларни ясаш ва ўрнатиш – 1-5 апрелгача
8. Кичик ёшдаги қуртлар учун бинони оқлаш - 1-5 апрелгача
9. Катта ёшдаги қуртлар учун бинони оқлаш – 5 - 10 апрелгача
10. Кичик ёшдаги қуртларни боқиш учун сўкчаларни ясаш ва ўрнатиш – 10-15 апрелгача
11. Дасталар тайёрлаш – 25 апрелдан 1 майгача

1- жадвалда Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини боқиш учун зарур бўлган ҳаво ҳарорати ва намлиги берилган. Қуртларнинг дастлабки уч ёшида 25-26 $^{0}$С, намлик эса 65-75 % бўлиши лозим. Бешинчи ёшда эса ҳароратнинг нисбатан паст - 23-24 $^{0}$С, намлик эса 60-70 % бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Пиллачилик ИТИ ва ТошДАУ олимлари томонидан Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларининг ҳаётчанлиги, хом пилла чиқиши, ипак тола чиқиши ва 1 қути ипак қуртидан пилла ҳосилдорлиги ўрганилган. Олинган маълумотларга кўра, бу гуруҳга кирувчи ҳаётчан қуртлар – 88,4%, пилласининг оғирлиги -1,73 г, 1 қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили 65,5 кг ва 1 дона пилла толасининг узунлиги 820 м бўлган ( 2 - жадвал).

Ҳар хил гуруҳга кирувчи ипак қурти зотларининг пилла ҳосилдорлиги ҳар хил бўлган. Масалан, САНИИШ гуруҳига кирувчи зотларнинг ўртача пилла ҳосилдорлиги – 56,3 кг, Хитой гуруҳига кирувчи зотларнинг ўртача ҳосили эса – 60,5 – 61,3 кг ни ташкил қилган.

Ҳар хил гуруҳларга кирувчи ипак қурти зотларининг тавсифи ўрганилганда қуртларнинг ҳаётчанлиги Хитой гуруҳига кирувчи зотларда 85 %, энг паст ҳаётчанлик эса Европа кирувчи зотларда кузатилиб 80 % ни ташкил қилган. Қурт боқиш давомийлиги Хитой гуруҳига кирувчи зотларда 29 кун, Европа гуруҳига кирувчи зотларда эса 33 кунни ташкил қилган ( 3-+ - жадвал).

**1- жадвал**

**Оқ пилла ўрайдиган Хитой гуруҳидаги турли ёшдаги ипак қурти зотлари учун зарур бўлган ташқи муҳит шароити**

| Қуртнинг ёши | Қурхона ҳарорати, $^{0}$С | Қуртхона намлиги, % |
|---|---|---|
| Дастлабки уч ёшда | 25 – 26 | 65 – 75 |
| Тўртинчи ёшда | 24 – 25 | 65 – 75 |

| | | |
|---|---|---|
| Бешинчи ёшда | 23 – 24 | 60 – 65 |
| Пилла ўраш даврида | 23- 25 | 60 - 70 |

**2-жадвал**

**Хитой гуруҳига кирувчи Белококоная 2 ипак қурти зотининг зотининг кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар | Миқдори ва бирлиги |
|---|---|---|
| 1. | Қурт боқиш давомийлиги | 25 кун |
| 2. | Қуртларнинг ҳаётчанлиги | 88,4 % |
| 3. | Пилласининг оғирлиги | 1,73 г |
| 5. | 1 г қуртдан олинган пилла миқдори | 3,447 кг |
| 6. | Пилланинг пўсти | 20,82% |
| 7. | Ипакчанлиги | 49,51 % |
| 8. | Пилла хом ашё чиқиши | 40,22% |
| 9. | Пилланинг йигирувчанлиги | 81,2 % |
| 10. | Пилла толасининг узунлиги | 820 м |
| 11. | Ипак ипининг метрик номери | 3077 |
| 12. | 1 кутидан олинган пилла ҳосили | 65,5 кг |

**3-жадвал**

**САНИИШ ва Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларининг пилла ҳосилдорлиги**

| Тут ипак қурти зоти | Қуртнинг ҳаётчанлиги % | Хом ипак чиқиши, % | Ипак толаси чиқиши, % | 1 қутисидан олинадиган пилла ҳосили, кг |
|---|---|---|---|---|
| САНИИШ 15 | 93,4 | 42, 9 | 22,9 | 56,3 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Белококонная 1 | 92,5 | 43,2 | 22,8 | 60,5 |
| Белококонная 2 | 94,2 | 44,4 | 24,3 | 61,3 |

**4 - жадвал**

**Ҳар хил гуруҳга кирувчи ипак қурти зотларининг тавсифи**

| Кўрсаткичлар | Моновольтин зотлар | | | | Бивольтин зотлар |
|---|---|---|---|---|---|
| | Европа гуруҳига кирувчи | Ўрта Осиё гуруҳига кирувчи | Хитой гуруҳига кирувчи | Япон гуруҳига кирувчи | |
| Қуртларнинг ҳаётчанлиги, % | 80 | 90 | 85 | 93 | 95 |
| Қурт боқиш давомийлиги, кун | 31 | 33 | 29 | 30 | 28 |
| Пилланинг ўртача оғирлиги, г | 2-2,4 | 2,5-3 | 1,5-2 | 1,5-2 | 1,3-1,5 |
| Пилладан ипак чиқиши, % | 44 | 42 | 45 | 43 | 41 |
| Пилланинг йигирувчанлиги, % | 80 | 70 | 85 | 75 | 70 |
| Ипакчанлик, % | 35 | 30 | 39 | 34 | 29 |
| Ипак толаси узунлиги, м | 750 | 850 | 700 | 650 | 550 |

Ўзбекистон шароитида (С.С.Зинкина, А.К.Максимова, Ўрта Осий ипакчилик илмий текшириш институти) Хитой гуруҳига кирувчи зотлар ўрганилганда қуйидаги маълумотлар олинган, 1 қути ипак қуртини боқиш учун - 1173,1 кг барг сарфланган. Шу ҳисобдан биринчи ёшдаги қуртларга 10,6 кг ёки 0,9 % барг берилган. Иккинчи ёшдаги

қуртларга 30,9 кг ёки 2,6 % барг берилган, учинчи ёшдаги қуртларга 71,2 кг ёки 6,1 % барг берилган, тўртинчи ёшдаги қуртларга 223,7 кг ёки 19,1 % , бешинчи ёшдаги қуртларга 836,7 кг ёки 71,3 % барг берилган. Бунда ҳаммаси 1 қути учун 880,9 кг, яъни 75,1 % барг ейилган, 292,2 кг барг чиқинди бўлган. Қурт боқиш 28 кун давом этган, бир қути уруғдан очиб чиққан қуртлардан 76 кг пилла олинган. Ҳар бир кг пилла олиш учун қуртларга 15,5 кг барг берилган

ТошДАУ олимларининг маълумотига кўра (З.Т.Тоиров) Хитойда кичик ёшдаги қуртларда ип ёки канопдан қилинган съёмниклар ёрдамида ғаналанган. С.Г.Ғаниевнинг маълумотига кўра Италияда съёмник сифатида махсус тешикчалари бўлган алюмин тахталар қўлланилган.

Тажрибаларга кўра Ўзбекистон ипакчимлик илмий тадқиқот институтида эски ғанани алмаштиришдан олдин қуртларни бир неча соат озиқлантирмай, сўнг улар устига майда сомон, кейин янги барг солиш билан қуртларнинг янги солинган баргларга чиқишини тезлаштириш мумкинлиги аниқланган ва 3 соатадан кейин ғанада 2-3 % қурт қолган.

Хитойда қуртлар пилла ўрашга киришишидан аввал уларнинг устига гармошка (қабирғали) шаклдаги қоғоз дасталар қўйилган. Японияда бир хил кабрда бўлган пиллалар олиш учун махсус катакли дастачалар қўйилган.

Ўзбекистоннинг ҳамма пиллачилик хўжаликларида мураккабгуллилар оиласига мансуб – мингбош, оқбош, шувоқдан ясалган дасталар қўлланилади.

З.Т.Тоировнинг маълумотларига кўра, Хитойда қуртлар пилла ўрашга умумий киришгандан 60 соатдан кейин пиллалар дасталардан териб олиниб, улар ётиқ (горизонтал) ҳолда жойлаштирилади, акс ҳолда ғумбакларнинг жинсий органлари эзилиб қолиб, капалакларнинг чатишиши ёмонлашади ва қўйиладиган тухумлари сони камаяди.

Териб олинадиган пиллалар лосдан тозаланади ва тўрт гуруҳ қилиб навларга ажратилади :

Биринчи нав пиллалар

Иккинчи нав пиллалар

Навсиз (ностадарт) пиллалар

Қорапачоқ ва кар ўлик ғумбакли пиллалар

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тирик мавжудодларнинг ҳаётчанлиги, ҳосилдорлиги ирсиятида мавжуд бўлиши билан бирга уни рўёбга чиқиши ташқи муҳит шарт-шароитларига ҳам боғлиқ (А.Т.Гафуров, 1992, Э.Ф.Поярков, 1959, Э.Х.Тожибоев ва бошқалар, 1994).

Келтирилиб ўрганилиши режалаштирилган ипак қурти зотлари Японияда ва Хитойда боқилаётган зотларнинг қарийиб 70 % ни ташкил этади.

Бироқ бу зотлар билан етарли даражада ишлаб олиб борилмаганлиги сабабли, улар ўзининг ички потенциал имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқара олмади.

Ҳар бир зотдан биологик ҳамда технологик кўрсаткичлар учун 10 дона қуйма ва 500 донадан, жами 20 дона қуйма ва 1000 дона ипак қурти боқилган. Уларда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича маълумотлар тўпланган :

1. Ипак қуртининг қуймалар кесимида жонланиш, жонланиш даври ва ҳаётчанлиги, % ;
2. Пилла массаси, г ;
3. Пилла қобиғи массаси, г ;
4. Ипакчанлик, % ҳисобида ;
5. Қурт боқиш даврининг умумий узунлиги, кун ҳисобида ;
6. Навли пилла миқдори, %.

Маълумотлар асосида ҳар гуруҳга кирувчи ипак қурти зотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилган.

## 2. ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик асосий кўрсаткич ҳисобланади. Пиллачилик хўжаликлари иқтисодини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга.

Пиллачиликдан қисқа муддат ичида қўшимча даромад олишни таъминлаши билан бу соҳанинг ҳамма маҳсулоти товар ҳисобланади. Натижада хўжалик уни тўлиғинча реализация қилиб, кўплаб даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Пилла етиштиришдан анча даромад олиш билан бирга, тутчиликдан ҳам қўшимча даромад олиш мумкин. Тутчилик, яъни тут барглари ипак куртлари боқишда асосий озуқа базаси ҳисобланади. Лекин, тутчилик фақат озуқа базаси сифатида фойдаланибгина қолмай, балки қўшимча даромад манбаси ҳамдир. Тадбиркорлар махсус кўчатзорларда тут ниҳоллари ва кўчатлари етиштириб сотмоқда. Тут мевасидан истеъмолда янгилигича, шинни, мураббо, майиз, тут толқни ва бошқа хилдаги қуруқ мевалар тайёрланиб ишлатилса, таботатда доривор сифатида фойдаланилади.

Қурт боқиш мавсумий иш. Шунинг учун, бу мавсумда хўжаликдаги мавжуд барча имкониятлардан, яъни ишчи кучидан, вақтли қуртхоналардан тўғри ва оқилона фойдалана билиш керак.

Пиллачиликда асосий иқтисодий кўрсаткич бир қутидан олинадиган пилла ҳосили, сифати ҳамда таннархи ҳисобланади.

Шунинг учун, пилла ҳосилдорлиги ипак қуртининг зоти ва боқиш шароитига боғлиқ. Ипак қурти учун биринчи навбатда озиқа ҳисобланади. Ўртача бир қути ипак қурти 1200 кг гача барг еса., шунинг 75-80% ни фақат 5-ёшида ейди. Бизда ипак қуртига бериладиган баргнинг асосий қисмини – 70-75%ни Хасаки тут барги ташкил қилади. Фақат охирги ёшида 20 % гача айрим звеноларда – навдор тут барги берилади. Пилла ҳосилдорлиги юқори бўлиши озиқа – барг сифатига боғлиқ.

Ипак қуртининг 1 қутиси учун 1200 кг барг тайёрланса ва ҳар бир йўл ёқасидаги тутдан ўртача 15-20 кг дан барг олинса , жами 1 қути ипак қуртини

боқиш учун 60 туп  тут дарахти талаб қилинади. Уларнинг парвариши ва ўстириш шароити муҳим аҳамиятга эга. Пиллачилик ривожланган давлатлар Хитой, Япония, Ҳиндистон каби давлатларда баргнинг асосий қисми катта майдондаги тутзорлардан – плантациялардан олинади, бундан ташқари уларнинг ҳаммаси навдор тутлар ҳисобланади. Натижада бу давлатларда мўл ва сифатли пилла ҳосили олиниб катта даромад кўрилади.

Ипак қурти учун қўл мехнати кўп сарфланади. Бир қути ипак қурти боқишда 60 киши куни сарфланади.

Қуртхонани тайёрлаш, шароитни яратиш учун ҳамда парвариш қилиш учун 20 киши куни сарфлланади.

Пиллачилик йириклаштирилган хўжаликларда фан ва ишлаб чиқариш муваффақиятлари кенг жорий қилинса мавжуд жамоат биноларидан рационал фойдаланилса меҳнатни ташкил этиш яхшиланади. Натижада маҳсулот бирлигига кам меҳнат ва пул харажатлари сарфланади, маҳсулот таннархи арзонлашади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда бир неча хил ипак қурти зотлари боқилмоқда. Уларнинг пилла ҳосилдорлиги ҳар хил бўлиб, иқтисодий самарадорлиги ҳам ҳар хил.

Ҳозирги кунда ҳосилдорлиги жиҳатидан Ипакчи1 х Ипакчи 2 дурагайи, САНИИШ 3 зоти, Хитойдан келтирилган Япония зотлари ҳосилдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари сингари пилла етиштириш ва уни реализация қилишга сарфланган маблағнинг пул шаклидаги ифодаси пилланинг таннархини билдиради. Пилла таннархининг юқорилиги хўжалик фаолиятида катта камчилик ва нуқсонлар борлигидан далолат беради. Таннархнинг камайтирилиши эса пиллачиликда ишнинг юришиб кетганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон шароитида бир центнер пилланинг таннархи тахминан қуйидагилардан таркиб топади (% ҳисобида).

Иш ҳақи...............................................................80

Қурт уруғи.............................................................6

Ёқилғи, тўшама қоғозлар,

кимёвий моддалар, майда инвентарлар.................1

Амортизация ажратмалари....................................5

Ишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари....8

Жами : 100

Пиллачиликда меғнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири – пиллачилик ва тутчиликда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда ҳам пиллачиликда деярли барча ишлар қўлда бажарилади, бунинг натижасижа жуда кўп меҳнат сарфланади. Масалан, бир қути куртнинг боқиш учун қилинадиган жами меҳнат сарфининг 57 % дан зиёдроқ қисми курт боқишга, 13,4 % и барг тайёрлаш ва уни ташиб келтиришга, 10 %и пиллаларни териб олиш ва хиллашга, шу жумладан 7,5 % и пиллаларни лосдан тозалашга ва 4,4 % и ўтлардан даста тайёрлашга тўғри келади.

Ҳозирги кунда илғор пиллачилик давлатларининг тажрибалари асосида ипак куртни йирик биноларда боқилганда куртлар орасида ҳар хил касалликлар сабабли юз берадиган нобудгарчилик анча камаяди, куртларни жадал усулда боқиш қоидаларига тўлароқ амал қилинади, натижада пилла ҳосили ортади ва унинг сифати яхшиланади. Уларда мавжуд умумий бинодан бирмунча яхши фойдаланилади, меҳнат яхши уюштирилади. Буларнинг ҳаммаси бир қути уруғдан олинадиган пилла ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради ва пиллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга асосий омил бўлади.

# 3. 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим 7 та устувор вазифалари ҳисобот йилида вазирлик, тизимдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, соҳа тармоқларини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирлар комплекси, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисининг 2011 йил 15 июлдаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастури”даги тадбирлар амалга оширилиши натижасида соҳанинг барча тармоқлари иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари барқарорлиги таъминланди.

Амалдаги баҳоларда 19 трлн 633,6 млрд сўмлик (2010 йилга нисбатан ўсиш даражаси - 6,6%) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилгани ҳолда мамлакат Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,6 фоиздан иборат бўлмоқда.

ЎзР ҚСХ Вазирлиги тизимида қиёслама баҳоларда 91,9 млрд сўмлик (ўсиш даражаси ГЭСлар кўрсаткичисиз 21,1%) саноат маҳсулоти ва 8 млрд 910,5 млн сўмлик (10,9%) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди;

тизимдаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тайёрланаётган товарлар рақобатбардошлилигини мунтазам ошириб бориш, экспортни диверсификациялаш ва улар

географиясини янада кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий-амалий ишлар олиб борилиши ҳисобига йиллик экспорт прогнози 107,9 фоизга уддаланиб, 2010 йилга нисбатан 32,7 фоизлик ўсишга эришилди;

лимит доирасида жами 520,5 млрд сўмлик (107,9%) давлат капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, 301.0 млрд сўмлик (110,0%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва 88,7 млрд сўмлик асосий фондлар ишга туширилди;

шу жумладан "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил Инвестиция дастури"га мувофиқ республика Ҳукуматининг кафолати остида Манзилли дастурлар доирасида 112,91 млн доллар (107,3%) ҳажмида хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

"Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" Давлат дастури доирасида 431 та лойиҳа бўйича жами 188,7 млрд сўмлик (102,3%) маблағлар ўзлаштирилиб, зарур мелиоратив тадбирлар амалга оширилиши натижасида 260 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди;

"Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш" дастури доирасида 10 та лойиҳа бўйича жами 2 млрд 800,4 млн сўмлик (100,5%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди;

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тизимдаги сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари томонидан 389 та шартномаларга мувофиқ жами 22 млрд 80,6 млн сўмлик (110,9%) маҳсулотлар харид қилинди;

касаначилик асосида 240 та (100,8%) ишчи ўринлари яратилиб, улар томонидан 54,5 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди;

тижорат банклари томонидан Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон ва пахта ҳосилини етиштиришга жами 1 трлн 597,0 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди;

фермер хўжаликларига жами 208,5 млрд сўмлик, шундан лизинг асосида 142,7 млрд сўмлик (4932 та) қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилди;

мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан самарали амалга оширилган агротехника тадбирлари ва ўз вақтида кўрилган ташкилий - амалий чоралар натижасида жами 6 млн 703,1 минг тонна ғалла ишлаб чиқарилиб, давлатга 2 млн 324,8 минг тонна (92,9%) товар дон ва 226,4 минг тонна (73,2%) уруғлик топширилди. Бунда ўртача ҳосилдорлик гектарига 48,5 центнерни (шундан суғориладиган майдонларда 50,2 центнер ва лалмикорда - 8,6 центнер) ташкил қилди;

мавсумда 3 млн 500,0 минг тонна (102,9%) пахта хом ашёси давлатга сотилди. Бунда республика бўйича гектарига олинган ўртача ҳосилдорлик - 26,5 центнердан иборат бўлди;

2011 йилнинг 12 - 13 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари" VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди ва унинг ишида дунёнинг 38 мамлакатидан 660 дан зиёд вакиллар иштирок этишиб, зарур ҳажмдаги экспорт-импорт контрактлари имзоланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 2011 йил якуни билан ғаллачилик (356,4 млрд сўм) ва пахтачиликда (205,7 млрд сўм) жами 562,1 млрд сўм фойда олиниб, 26.2 - 10,2 фоиз иқтисодий самарадорликка эришилди. Бугунга келиб, фермер хўжаликларининг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши 34,0 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич пахтачиликда - 99.4%, ғаллачиликда - 83,1% ва пиллачиликда 97,9 фоиздан иборат бўлмоқда;

статистика маълумотларига кўра, мамлакат бўйича жами 13 млн 112,0 минг тонна, 105,6% (ўсиш даражаси 110,0 фоиз ёки ўтган йилга нисбатан 1192,5 минг тонна кўп) мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ишлаб чиқарилди, (шундан: сабзавот - 6993,7 минг тонна (ўсиш даражаси - 110,2%);

картошка - 1862,4 минг тонна (110,0%); полиз - 1294,7 минг тонна (109,5%); мева - 1871,1 минг тонна (109,4%) ва узум - 1090,1 минг тонна (110,4%));

чорвачиликни комплекс ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳолда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида боқилаётган чорва молларига 2596 та зооветеринария пунктлари орқали жами 7,9 млрд сўмлик (101,9%) пулли хизмат кўрсатилиб, бир шартли чорва молига кўрсатилган хизмат баҳоси республика бўйича ўртача 1014,5 сўмни ташкил этди;

қишлоқ аҳоли пунктларида 184 та (100,0%) сунъий уруғлантириш пунктлари очилиб, улар томонидан аҳолидаги мавжуд 1564,2 минг бош (105,7%) сигир ва қочириш ёшидаги таналар сунъий уруғлантирилди; аукцион майдончалари орқали 9071 бош (115,1%) наслли моллар сотилди ва 8533 нафар кам таъминланган оилаларга бепул сигир берилди.

Барча тоифа хўжаликларида йирик шохли қорамоллар бош сони 2010 йилга нисбатан +547,8 минг бош ёки 6,0 фоизга кўпайиб, 9642,5 минг бошга етди: бунда сигирлар +120,1 минг бош ёки 3,2 фоизга (3878,2 минг бош); қўй ва эчкилар +846,2 минг бош ёки 5,5 фоизга (16187,1 минг бош) ва барча турдаги паррандалар +4997,9 минг бош ёки 13,2 фоизга (42731,2 минг бош) кўпайди.

Натижада тирик вазнда 1564,2 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 7,0 фоиз (+102,8 минг тонна) гўшт, 6766,2 минг тонна, 9.7 фоиз (+597,2 минг тонна) сут; 3441,7 млн дона, 12.5 фоиз (+382,9 млн дона) тухум; 28687 тонна, 8,2 фоиз (+2177 тонна) жун ва 1022,3 минг дона, 9.3 фоиз ёки 87,4 минг дона қоракўл тери кўп ишлаб чиқарилди;

бу даврда жами 16882,1 тонна, 155.6% (шунинг 10677,2 тоннаси сунъий сув ҳавзаларида ва 6204,9 тоннаси табиий кўлларда) балиқ овланди;

шунингдек, жами 3786,1 тонна, 103.8% асал ишлаб чиқарилди;

республика бўйича умумий қиймати 65,2 млрд сўмлик 24 минг 666,9 тонна (98,7%) тирик пилла етиштирилиб, ҳар қути ипак қуртидан олинган ҳосил ўртача 56,3 килограммни ташкил қилди;

ҳисобот йилида республика бўйича лимитга нисбатан жами 43156 млн куб/метр (97,0%) сув сарфланди, шундан суғориш мавсумида (1 апрелдан 30 сентябрга қадар бўлган муддат, яъни вегетация даврида) 31,1 млрд куб/метр ёки 90,5 фоиз миқдорида сув ишлатилди;

мавжуд 1487 та Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан иккиламчи сув истеъмолчиларига 33,5 млрд сўмлик хизмат кўрсатилиб, унинг 19,7 млрд сўмига (58,9%) тўлов амалга оширилди. Бунда ўртача бир гектар майдонга сув истеъмолчилари тарафидан тўланган маблағ республика бўйича ўртача 5082 сўмни ташкил қилди;

ҳисобот йилида узунлиги 5085,0 километр (104,8%) бўлган хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланиб, 4738 дона (105.0%) гидротехник иншоот ҳамда 5207 дона (104.7%) гидропост таъмирланди;

вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларида лимитга нисбатан 228,0 млн кВт/соат электр энергияси ёки 19,0 млрд сўмлик маблағ иқтисод қилинди;

тизимдаги ўрмон хўжаликларида жами 42,2 минг гектар (100,0%) янги ўрмонзорлар барпо этилди, шу жумладан 2820 минг дона (100.0%) “Япон софораси” ва 300 минг дона (100,0%) “Каштан” дарахти кўчатлари экилиб, парваришланмоқда;

Давлат илмий-техник дастурлари, шу жумладан фундаментал, илмий-амалий ва инновацион грант лойиҳаларида илмий изланишлар давом эттирилгани ҳолда маълум ижобий натижаларга эришилмоқда.

# 4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий техника билан жиҳозланганлиги, ишлаб чиқариш жараёнининг интенсивлашуви, программалаштириш, ҳосилни юқори сифат даражасида топшириш билан фарқ қилади. Бунда, ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлигини фойдаланилаётган энергиянинг турлилигини, материал ва моддалар (қаттиқ, суюқ, газсимон) нинг ҳар хил об-ҳаво ва бошқа сабабларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрлаштиришда ҳисобга олинади.

Меҳнат шароитларини яхшилаш бир қанча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Барча ишлаб чикариш омиллари қуйидагиларга бўлинади.

Ташкилий омил – корхонада қабул қилинган иш ва дам олиш тартиби, ишни ташкил этиш шакли ва интизоми, ишчиларни махсус кийим, меҳнат жараёни устидан қилинадиган назоратнинг ҳолати, ишчиларнинг профессионал тайёргарлик даражаси ва бошқалар.

Техник омил ишлаб чиқариш жараёнларини механизасиялаш ва автоматлаштириш даражаси, ҳимоялаш воситаларининг созлиги, йетарлилиги хатарли доираларнинг ҳимояланганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Санитария гигиена омили - иш жойларнинг санитария ҳолатига жавоб бериш бермаслиги.

Табиий-иқлим омиллари-жойнинг географик ўрни ва метрологик ҳоллари (денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, релъеф, ёғингарчиликнинг тури, ҳарорат, намлик, ҳавонинг ионлилигини, атмосфера босими ва бошқалар).

Иқтисодий омиллар - меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчи меҳнатини рағбатлантириш, муҳофазасига ажратилган маблағнинг бошқа мақсадларга

сарфланиши, меҳнат муҳофазасига доир чора тадбирларга ҳам ҳақ ажратилганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Меҳнат гигиенаси ишлаб чиқариш муҳитини ва меҳнат жараёнини, киши организмига таъсирини ўрганади ва уларни санитария- гигиена ҳолатларини яхшилаш бўйича тавсияномаларни ишлаб чиқади, буларнинг ҳаммаси ишчиларнинг соғлигини ва иш қобилиятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш санитарияси ишлаб чиқариш корхоналари худудларининг ҳолатини яхши сақлаш, санитария-ободонлаштириш ишлаб чиқариш биноларини ва хоналарини, санитария - маиший хоналар қурилмалари, шахсий  сақланиш воситаларидан фойдаланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш,  ишлаб чиқаришдаги заҳарланишларни ҳамда касб касалликларини олдини олиш, меҳнатни илмий ташкил килиш ва  ишлаб чиқариш эстетикаси билан боғлик бўлган гигиена чора тадбирлари ишлаб чикиш масалаларини ҳал қилади.

Шахсий гигиена тушунчасига кирадиган масалалар доираси жуда кенг. Шахсий гигиена қоидаларини бажариш  фақат индивидуал эмас,  ижтимоий аҳамиятга ҳам молик бўлади. Агар бир одам шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаса, у ўз оиласида ишлайдиган жамоасида юқумли касалликларни тарқатилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Соғлом иш шароитларини яратилишининг  негизида санитария меьёрлари ва қоидалари ётади.

Ёрдамчи бинолар ва хоналар  учун санитария талаблари, санитария ҳимояланиш доирасини меъёрлайди, микроиқлим параметрлари  қийматини ҳаво муҳитини ёритилганлик даражасини, шовқинни, титрашни, нурланишни, дам олиш ва меҳнат тартибларини режалаштиради. Кўрсатилган меьёрлар ишлаб чиқариш муҳит параметрларини мумкин бўлган кўрсаткичларини таьминлашга асос бўлади.

Ипак қуртлари касалликларини даволаш усуллари деярли йўқ. Шунинг учун унинг касалликлари ва зараркунандларига қарши кураш асосан

профилактик – олдини олиш ва санитария гигиена тадбирларини ўз ичига олади.

Профилактик кураш жараёнларига қурт уруғини тайёрлаш, жонлантириш, боқиш ва пилла тайёрлашда пиллачиликга алоқаси бўлган жараёнларга ипак қурти касалликлари ва зараркунандалари пайдо бўлишининг олдини олиш тадбирлари киради.

Санитария – гигиена тадбирларига озодалик, сифатли озиқ, шунингдек, қуртларни озиқлантириш, парвариш қилиш, уруғни жонлантириш, пиллаларни қабул қилиш, уруғ тайёрлаш қоидаларига қатъий амал қилиш ва табиий муҳит шароитлари киради.

Ҳозирги вақтда ҳамма касаликларни ва зараркунандаларни тарқалишига қарши кураш чораларининг негизи улар пайдо бўлишининг олдини олиш чораси – дезинфекциядир.

Қурт боқувчилар ва уруғ таёрловчиларнинг боши, пойафзалларини озода тутилиши лозим. Дезинфекция учун ишлатиладиган кимёвий моддалардан фойдаланилганда эҳтиётлик билан ишлатиш лозим.

Ишни бошлашдан олдин ҳамма ходимлар қурилмаларни, ускуналар ишлатиш хавфсизлигини ва аниқ зарарсизлантирувчи моддалар билан ишлайдиган ишчилар шахсий гигиена қоидалари тўғрисида йўл-йўриқлар олишлари керак. Шу ишларни бажарувчи шахслар ҳимояловчи махсус кийимлар (халатлар, фартуклар, резина этиклар, қўлқоплар, айрим ҳолларда кўзойнак ва газниқоб) билан таьминланишлари лозим.

Дезинфекцияловчи моддалар, кимёвий зарарлар ва бактериал препаратлар билан ишлаётганда, чекиш ва овқат ейиш қатъий ман этилади. Ишдан кейин қўл ва юзни совун билан иссиқ сувда ювиш зарур, идиш ва бошқа воситалар 2 % ли кир содаси аралашмаси билан чайилади. Иш вақтида махсус кийилган кийимлар ишдан кейин албатта, қоқиб ташланади ва шамоллатиб қуритилади. Уларни махсус шкафларда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Дезинфекция ишлари билан банд бўлган шахслар доимий равишда (бир ойда бир марта) табиий кўрикдан ўтишлари мажбурийдир.

**Антропоген** – (грекчада anthropos-киши) ўзгарган табиий муҳит - кишиларнинг хўжалик фаолияти жараёнида маълум бир худуд ёки тегралларда тубдан ўзгарган атроф табиий муҳит ҳолати. Бу худуд ёки тегралларни келтириб чиқарувчи омиллар мажмуасига қараб - шаҳар, саноат ва аграр (қишлоқ хўжалиги) тегралларига ажратиб олсак бўлади. Бу худуд ва тегралларда табиат элементлари (ер, сув, атмосфера ҳавоси...) нинг сон ва сифат кўрсатгичлари, морфологик (ташқи) ва морфометрик (ўлчамли) белгилари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, атмосфера ҳавоси атропоген ўзгарган табиий худудларда бошқа кам таъсирланган атроф табиий муҳитга нисбатан 10-15 баробар кўпроқ ифлосланган бўлади. Саноат тегралларида ҳаво таркибида заҳарли ис гази ($CO_2$) нинг кўпайиши асосан металлургия (30-40%) ва химия саноати (15-20%), транспорт (10-15%) таъсирида юзага келса, шаҳарларда эса ис гази асосан транспорт (60-80%), огир саноат (15-20%), химия саноати (5-10%) таъсирида юзага келади. Аграр тегралларда тупроқларнинг морфологик (кўзга ташланадиган ташқи) кўриниши 1-1,5 метр чуқурликгача тубдан ўзгарган ва янги тур ҳосил қилган бўлади. Уларда тупроқ ифлосланиши пестицид, гербицид, азот, фосфор, турли тузлар; шаҳарларда - маиший ахлат; саноат тегралларида - саноат чиқиндилари ҳисобига амалга ошади. Саноат тегралари тоифасига кирувчи атом электростанциялари атрофидаги сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосида радиоактив элементлар миқдори шаҳарларга нисбатан бир неча ўн баробар кўп бўлади, лекин ис газининг миқдори электростанция атрофида аграр тегралларга тенглашган, шаҳарларга нисбатан эса бир неча ўнлаб баробар кам бўлади.

**Атмосфера ҳавосини хуқуқий муҳофаза қилиш** - табиат ва инсон ўртасидаги ажралмас боғлиқ ва мутаносибликни таъминлайдиган, атмосфера ҳавосининг сифатини бузилишига, атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган, ҳозирги ва келажак авлодларга экологик жиҳатдан мусаффо ҳолдаги яшаш имкониятини беришга қаратилган экологик онгли ва маданиятли хуқуқий муносабат ва ҳуқуқий меъёрлар тизими ххсобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра: атмосфера ҳавосини таркибини сақлаш, атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишини олдини олиш ҳамда буни камайтириш, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш каби чора тадбирлардан иборат.

**Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш** – қулай экологик шароитларни яхшилаш, тиклаш ва сақлашга қаратилган давлат, маҳаллий ва жамоат тадбирларининг тизими ҳисобланади. Биотехник, технологик хуқуқий иқтисодий ва бошқа табиатни муҳофаза қилиш чоралари қўлланилади. Табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тадбирлар тизими. 1992 йил 9 декабрда қабул килинган Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Жамиятда ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиий ҳосилалар ва экологик комплексларни сақлаш, қайта тиклаш, атроф муҳитнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш билан боғлиқ қоида-талаб, чора-тадбирларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Айникса, XX асрда табиий муҳитни муҳофаза қилиш йўналишига катта эътибор берилииб, ҳар бир давлат турли дастур, режалар ва қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингандир. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонунчилик хужжатлари, қоида-талаблари муҳофаза аҳамиятидаги ижтимоий-экологик муносабатларини тартибга солади.

**Атроф-муҳит ифлослантирилганлиги учун тўловлар** - Экологик қонунчиликда икки хил тўловлар белгиланган - табиат заҳираларидан фойдаланганлик учун ва атроф-муҳитга салбий таъсир этганлик учун тўловлар. Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун ва бошқа турдаги салбий

таъсирлар учун тўловлар асосий иқтисодий стимуллардан ҳисобланиб, фаолияти табиатга таъсири бўлган корхона - табиатдан фойдаланувчилар қонунчилик талаблари билан мутаносиб ҳолда атроф-муҳитни ифлосланишини камайтиришга ўзлари чора кўришларини кўзда тутади. Бундай чоралар турли кўринишларда ўзини намоён этиши мумкин. Меъёридан ортиқ ифлослантирувчи, доимий катта миқдордаги тўловларни хоҳламаган табиатдан фойдаланувчилар ишлаб чиқариш технологияларини мукаммаллаштиришлари, самарали тозалаш қурилмаларини қуришлари ёки фаолият кўрсататётган иншоотларини юқори самарали ишини таъминлашлари мумкин. Ниҳоят, корхоналар атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтиришнинг салмоқли самарасига корхона томонидан ишчиларга талабларни кучайтириш ва меҳнат ҳамда технологик тартиб-қоидага риоя қилишни таъминлаш орқали эришиш мумкин.



1-расм. Цзу-Дзу хитой зотининг қурти



2-расм. Цзу-Дзу хитой зотининг пилласи



3-расм. Цунг-Лунг хитой зотининг қурти



4-расм. Цунг-Лунг хитой зотининг пилласи



5-расм. Улунг хитой зотининг қурти



6-расм. Лунг-Чао хитой зотининг қурти



7-расм. Прозрачная хитой зотининг қурти



8-расм. Прозрачная хитой зотининг қурти



9-расм. Шантунг хитой зотининг пилласи



10-расм. Сусская-17 хитой зотининг пилласи

## Х У Л О С А Л А Р

Хитой гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларини ўстириш хусусиятлари мавзуси бўйича манбалардан ўрганилган маълумотларга ва илғорларнинг иш тажрибаларига асосланиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин :

1. Ипакчилик қишлоқ хўжалигининг соҳаларидан бўлиб, дунё бўйича узоқ тарихга эга. Ипак қурти ва тут дарахтининг келиб чиқиши Хитой давлати ҳисобланиб, у ерларда 5 минг йилдан бери бу соҳа ривожланиб келмоқда.

2. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кўп миқдорда Хитой ва Япония гуруҳига кирувчи ипак қурти зотлари боқилмоқда. Уларнинг боқиш хусусиятлари ўзига хос бўлиб Ўрта Осий ва бошқа гуруҳларга кирувчи зотлардан фарқ қилади.

3. Ипак қурти зотлари келиб чиқишига қараб 15 гуруҳга бўлинади :

Ўрта Осиё (Боғдод), Европа, Хитой, Япония, Корея, Ҳиндистон, Руминия, Кавказ, Грузия Тбилиси ИТИ, Азарбайжон зотлари АзИИТИ, Россия ипакчилик станцияси, Украина ипакчилик станцияси, САНИИШ зотлари, Поливольтин зотлар, Генетик зотлар.

4.Олинган маълумотларга кўра, Хитой гуруҳига кирувчи зотларда ҳаётчан қуртлар – 88,4%, пилласининг оғирлиги -1,73 г, 1 қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили 65,5 кг ва 1 дона пилла толасининг узунлиги 820 м бўлган

5. Ҳар хил гуруҳга кирувчи ипак қурти зотларининг пилла ҳосилдорлиги ҳар хил бўлиб, САНИИШ гуруҳига кирувчи зотларнинг ўртача пилла ҳосилдорлиги – 56,3 кг, Хитой гуруҳига кирувчи зотларнинг ўртача ҳосили – 60,5 – 61,3 кг ни ташкил қилган.

6. Ҳар хил гуруҳларга кирувчи ипак қурти зотларининг тавсифи ўрганилганда қуртларнинг ҳаётчанлиги Хитой гуруҳига кирувчи

зотларда 85 %, энг паст ҳаётчанлик эса Европа кирувчи зотларда кузатилиб 80 % ни ташкил қилган. Қурт боқиш давомийлиги Хитой гуруҳига кирувчи зотларда 29 кун, Европа гуруҳига кирувчи зотларда эса 33 кунни ташкил қилган

7. Маълумотларга кўра Хитой гуруҳига кирувчи зотлар Ўрта Осиё гуруҳига кирувчи ипак қурти зотларига кўра кичикроқ майдон - 55 м ва жами озиқа миқдори бир қути ипак қурти учун 850-900 кг барг бериш талаб этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент,"Ўзбекистон", 2009 й.

2. Каримов И.А. Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили дастури.Т., 2009 й.

3. Республикада пиллачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар маҳкамасининг 1998, 2000, 2003, 2005 йиллардаги қарорлари.

4. Каримов И.А. " 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади ". Халқ сўзи газетаси, 20-январь, Т., 2012 й.

5. Абдуллаев У. Тутчилик. Т., "Меҳнат", 1991 й.

6.Абдурахмонов А., Рождественский К.М. Ипак қурти наслчилиги ва уруғчилиги. Т., 1991 й.

7. Аҳмедов Н., Муродов С. Ипакчилик асослари. Т., "Ўқитувчи", 1998 й.

8.. Ахмедов Н. "Ипак қурти уруғини жонлантириш". Т., 1992 й.

9. Ахмедов Н., Муродов С.А. "Тут ипак қурти биологиясидан лаборатория амалий машғулотлар" Т., 1995 й.

10. Аҳмедов Н., Муродов С. Ипак қурти эмбриологияси. Т., 1997 й.

11. Раҳмонбердиев К., Мухаммеджанова Ш. Тут селекцияси. Т ., 1988 й.

12. Аҳмедов Н., Муродов С. Ипак қурти экологияси ва боқиш агротехникаси. Т., 2004 й.

13. Ахмедов Н. Фермер хўжаликларида ипак қурти боқиш. Тошкент, 2006 йил.

14.Ахмедов Н. Ипак қурти боқишда прогрессив технология. Тошкент, 2004 й.

15. Пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг янги прогрессив технологияси. Тошкент, 2006 йил.

16. Багоутдинов Н.Г. ва бошқалар. Пиллачилар учун қўлланма. Тошкент, 1984

17. Михайлов Е.Н. Инфекционние болезни тутового шелкопряда.Т., 1984 г.

18. Муродов С.А. Умумий энтомология курси. Тошкент, 1986 йил.
19. Махмудов О. Пиллачилик экономикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1982 йил.
20. Насириллаев У., Жуманов У. Пиллакорларга маслаҳатларимиз. Тошкент, “Меҳнат”, 1992 йил.
21.Остонақулов Т.Э., Нарзиева С.Х., Хамдамова Э.И. “Тутчилик ва ипакчиликдан маърузалар курси”, Самарқанд 2006
22. Рождественский К., Тоиров З.Т ва бошқалар. Тут ипак қурти биологияси. Тошкент, 1965 йил.
23. Рождественский К. Шелководство.Лабораторно-практические работа.Т.1974
24. Рубин Э.Б, Тумаян С.А. Заготовка и первичная обработка шелковичних коконов. Москва, 1969 г.
25.Қашқарова Л.Ф., Якубов А.Б., Ларькина Е.А. Ўзбекистондаги тут ипак қурти зотлари. Тошкент, 2008 йил.
26. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Тошкент, 2000 йил.
27. Ўзбекистон худуда районлаштириш учун тавсия этилган ва давлат реестрига киритилган қишлоқ хўжалик экинлари навлари. Т., 2010 й.
28 Сайтлар : - encuel accona. ru.
- www maui canet. con.
- www siouar. Iufo.

## И Л О В А

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 456-модда)*

**[Кўчирма]**

Пиллачилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республика пиллачилик тармоғига уни модернизациялаш ва янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагиларга:

«Ўзбек ипаги» уюшмаси иштирокчиларининг уни тугатиш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Пилла» ҳудудий бирлашмалари умумий йиғилиши ва Ўзбекистон пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг 1-иловага* мувофиқ «Пилла» ҳудудий бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибига, Ўзбекистон пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига киритилиши тўғрисидаги таклифига;

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

пиллачилик саноати корхоналари ва ташкилотларининг 2-иловага* мувофиқ «Ўзбекенгилсаноат» Давлат-акциядорлик компанияси таркибига киритилиши тўғрисидаги таклифига;

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг унинг марказий аппарати тузилмасида ходимлар чекланган сони 5 кишидан

иборат ипакчиликни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига;

«Ўзбекенгилсаноат» Давлат-акциядорлик компаниясининг унинг ижро этувчи аппарати тузилмасида ходимлар чекланган сони 7 кишидан иборат пиллачилик саноатини ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан ишлаб чиқилган:

2006—2010 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича махсус ажратиладиган ер майдонларида янги тутзорлар барпо этиш параметрлари 3-иловага** мувофиқ;

2006—2010 йиллар даврида маҳаллий ипак қурти уруғининг серунум зотлари ва дурагайларини етиштириш ҳажмлари 4-иловага** мувофиқ;

2006—2010 йиллар даврида пиллачилик саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилишга инвестицияларни, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастури 5-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

* 3—5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

махсус ажратиладиган ер майдонларида тутзорлар барпо этиш ва ипак қурти уруғидан тирик пилла етиштириш бўйича 3-иловада назарда тутилган белгиланган топшириқларнинг бажарилишини;

тутзорлар сақлаб қолиниши устидан қаттиқ назоратни, ихтисослаштирилган пиллачилик фермер хўжаликлари ташкил этилиши ва фермер хўжаликларида намунавий куртхоналар қурилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Республика ўсимликларни муҳофаза қилиш ва агрокимё маркази билан биргаликда қизил капалак билан зарарланган барча тут дарахтларига ҳар

йили уч маротаба ишлов бериш ҳамда унинг тарқалишига йўл қўймаслик ва бутунлай йўқ қилиш бўйича профилактика тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

5. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2006—2010 йиллар даврида пиллачилик саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларни танлаб олиш ва жалб этиш, маҳсулот умумий ҳажмининг камида 70 фоизи экспортга етказиб берилиши шарти билан ушбу корхоналарни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш бўйича ишларни ташкил этсин.

6. Қуйидагилар:

2006 йил ҳосилидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача ипак қурти уруғи заводлари ўзи ишлаб чиқарган уруғларни пилла етиштирувчи хўжаликларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ва пилла тайёрлаш ташкилотлари орқали сотишда, шунингдек пилла тайёрлаш ва бирламчи ишлов бериш корхоналари — қуруқ пиллани қайта ишловчи республика пиллачилик тармоғи корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин;

«Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг пиллачилик тармоғи корхоналари томонидан, 6-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган хом ашё, бўёқлар, кимёвий воситалар ва ёрдамчи материаллар 2008 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ипакчилик тармоғи корхоналари томонидан импорт бўйича олиб келинадиган хом ашё ва материаллардан мақсадли фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

7. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла» ҳудудий бирлашмалари ва пиллачилик тармоғи корхоналарининг айрим раҳбарлари молия интизомини, пиллачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишда белгиланган тартибни қўпол равишда бузгани учун республика Прокуратураси идоралари томонидан қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги мажбуриятлар бўйича кафолатини:

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг мажбуриятлари бўйича — «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг Корея Экспорт-импорт банки кредити юзасидан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки олдидаги мажбуриятлари этиб;

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Корея Экспорт-импорт банки олдидаги мажбуриятини белгиланган тартибда қайта расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Атлас» АЖ ва «Булоқбоши ипаги» АЖ пиллакашлик корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш тўғрисида 2001 йил 30 ноябрдаги қарз битими ва кредит шартномасига «Ўзбек ипаги» уюшмаси мажбуриятларининг «Ўзбекенгилсаноат» ДАКга қайта расмийлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2006 йил 15 ноябрь, ПҚ-

# ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ

## ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ

**ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ** – система караванных торговых путей, соединявших со 2 в. до н.э. до 15 в. страны Евразии – от Западной Европы до Китая.

Термин «Великий шелковый путь» (Great silk road) вошел в историческую науку в конце 19 в., после публикации в 1877 немецким историком К.Рихтгофеном книги *Китай*. Этот караванный торговый путь был самым протяженным (более 7 тыс. км) в докапиталистическую эпоху. Он играл роль связующего звена между странами разных цивилизаций и социально-экономических систем.

### *Развитие Великого шелкового пути.*

Шелковый путь прошел в своем развитии ряд этапов.

### *Формирование Шелкового пути.*

Хотя единая трансевразийская система караванных коммуникаций сложилась только в конце 2 в. до н.э., отдельные ее сегменты возникли гораздо раньше.

Согласно данным современной археологии, с 3 тыс. до н.э. функционировал «лазуритовый путь», по которому полудрагоценный камень лазурит перевозился из предгорий Памира (из района Бадахшан на территории современного Таджикистана) на очень дальние расстояния на запад и на юг, до стран Ближнего Междуречья (Ур, Лагаш) и Индии (Хараппа, Мохенджо-Даро). С конца 2 тыс. до н.э. начал работать «нефритовый путь» – торговля самоцветами из Центральной Азии (из района Куньлунь на территории современного китайского Синьцзян-Уйгурского района) по восточному пути, в обмен на шелк из Китая.

В середине 1 тыс. до н.э. эти две караванные трассы начали сливаться: бадахшанский лазурит попадает в Китай, а в Персии и в долине Инда получают распространение одежды из китайского шелка. Однако торговля шла через длинную цепочку посредников, так что китайцы и народы Средиземноморья не имели представлений о существовании друг друга.

В формировании Великого шелкового пути как сквозной трансевразийской магистрали решающую роль сыграл древнекитайский чиновник Чжан Цянь. В 138 до н.э. он отправился с опасной дипломатической миссией к кочевникам из племени юэчжей, чтобы убедить их стать союзниками китайской империи Хань в борьбе с кочевниками сюнну, нападавшими на империю с севера. Чжан Цянь стал первым китайцем, который побывал в Средней Азии – в Согдиане и Бактрии (на территориях современного Узбекистана, Таджикистана и Афганистана). Там он узнал, каким огромным спросом пользуются китайские товары, и увидел много вещей, о которых китайцы не имели представления. Вернувшись в Китай в 126 до н.э., он представил императору доклад о выгодах прямой торговли между Китаем и государствами Средней Азии.

Хотя Чжан Цянь не смог добиться от контролировавших Бактрию юэчжей военной помощи в борьбе с сюнну, собранные им сведения были признаны исключительно важными. В 123–119 до н.э. китайские войска самостоятельно нанесли поражение сюнну, обезопасив путь из Китая на запад. Именно с конца 2 в. до н.э. можно говорить о функционировании Великого шелкового пути как сквозного маршрута, соединившего все великие цивилизации Старого Света – Китай, Индию, Ближний Восток и Европу. Эта огромная система караванных путей просуществовала более полутора тысяч лет – много дольше, чем другие дальние сухопутные торговые пути (как, например, путь «из варяг в греки»).

Хотя маршруты Шелкового пути менялись, можно выделить две основные трассы, соединявшие Восток и Запад:

– южная дорога – от севера Китая через Среднюю Азию на Ближний Восток и Северную Индию;

– северная дорога – от севера Китая через Памир и Приаралье к Нижней Волге и к бассейну Черного моря.

Между южной и северной дорогой было несколько соединяющих и промежуточных маршрутов. С течением времени сеть коммуникаций становилась все более густой, включала все больше ответвлений. Основные маршруты сдвигались то на северную, то на южную дорогу.

### *Факторы эволюции Великого шелкового пути.*

Развитие Шелкового пути зависело как от экономических, так и от политических факторов.

В товарообмене между Востоком и Западом товары шли в основном с востока на запад. Покупательская способность европейцев была нестабильной. В Римской империи периода ее расцвета шелковые ткани и другие восточные товары пользовались огромным спросом. Упадок античного общества и натурализация хозяйства стран Западной Европы привели к тому, что товары с Востока стали доходить, как правило, только до Византии. Лишь в период зрелого феодализма, с 11 в., в Западной Европы снова стали активно покупать восточные товары. Поскольку на Великом шелковом пути потребителями товаров были также страны Ближнего Востока и Индии, этот путь не замирал даже в раннее средневековье. После арабских завоеваний восточные товары стали потреблять на всем южном Средиземноморье, вплоть до Испании.

Развитие Великого шелкового пути сильно зависело от геополитического противоборства разных стран за контроль над караванными путями.

## История шелководства в Китае

О возникновении искусства возделывать шелк в Китае существует красивая легенда. Согласно ей жена Великого Желтого Императора Ши Хуан-Ди - Лэй Цзу сидела под тенистой кроной тутовника, наслаждаясь отваром из трав. Неожиданно в ароматный напиток упал кокон шелкопряда. Раздосадованная императрица извлекла кокон из чаши и обнаружила, что он начал разматываться, нить все тянулась и тянулась… В тот миг прекрасная Лэй Цзу догадалась, что

из этой нити можно получить чудесное волокно для пряжи… С тех пор императрицу нарекли «Божеством Шелка». По праздникам в ее честь на алтари храмов возлагали подношения в виде коконов шелкопряда.

История же гласит, что первые коконы тутового шелкопряда и их удивительные свойства были обнаружены китайцами почти пять тысяч лет назад. При раскопках в разных районах Китая коконы тутового шелкопряда были обнаружены в культурных слоях, относящихся к III тысячелетию до н. э. На найденных надписях на черепашьих панцирях и костях содержались иероглифы, обозначающие понятия « шелкопряд», «тутовник», «шелк» и «шелковая материя».

Достоверно известно, что к V веку до н. э. тутовых червей разводили в шести провинциях Поднебесной, а основным центром шелководства был Ханчжоу. Весной императрица открывала сезон шелководческих работ, они длились шесть месяцев и считались по преимуществу женскими. Поначалу редчайшую ткань носили только члены императорской фамилии. Во дворцовых покоях император, его жена и наследник облачались в белую шелковую одежду, а во время торжественных выходов – в желтую. Но по мере расширения производства ходить в шелке начали придворные, потом и люди простого звания.

Культ шелка в Китае достиг невероятных масштабов. В старых китайских текстах неоднократно упоминаются жертвоприношения Божествам шелковичного червя – Юнь-Юй, священные тутовые рощи или отдельные шелковицы как места специальных культовых ритуалов.

Кроме того, этот материал стали использовать для изготовления лески, тетивы, струн музыкальных

инструментов и бумаги. В эпоху династии Хань (III век до н. э. – III век) шелк стал в Китае всеобщим эквивалентом: им платили подати крестьяне, а государство расплачивалось шелком с чиновниками.
Во времена Воюющих царств (475 - 221 гг. до н.э.) шелк и шелковые изделия уже стали доступными широким массам населения. Технологии, связанные с шелкопрядением, вышивкой, окраской ткани, получили повсеместное распространение.

В Древнем Китае каждая из провинций страны производила свой вид шелка, который и назывался в честь места изготовления. Однако, крупными и передовыми центрами шелкоткачества в Китае стали районы - по течению реки Хуанхэ, по течению реки Янцзы и в провинции Сычуань.
В период династии Хань (середины II в. до н.э. ) значительно повысилась производительность шелка, воображение поражают его яркость красок, богатство и совершенство вышивки. Начинается исторический процесс распространения шелководства на соседние территории. В домах знати в период Хань были свои мастерские, копирующие, естественно в меньших масштабах, императорские.

В эпоху Тан наблюдается значительное изменение шелководства и шелкоткачества.

После утверждения танской династии в столице Чанъани были учреждены дворцовые ткацкие мастерские, называвшиеся «Ведомством ткачества и окраски». Первоначально мастерские изготовляли для двора церемониальные головные уборы, позже стали изготавливать шелковые ткани, заниматься их окраской, производить многоцветные шелковые ткани. Специальные мастерские занимались сбором красителей: цветов,

листьев, коры и корней растений в соответствующее время года. В конце VI – начале VII в. главные шелкоткацкие центры Китая находились на территории современных провинций Хэнань, Хэбэй, Шаньдун и Сычуань.

Китайский шелк Танской династии (618–907 гг.) обнаружен на территории Синьцзяна, в Турфане, в Таджикистане, на Северном Кавказе. Найденные ткани доказывают, что этот период был временем расцвета торговли, и китайский шелк в большом количестве вывозился по Шелковому Пути в Европу.
Впервые шелк переступил границу Китая во II веке до н.э., когда китайский посол Чжан Цянь открыл для Китая страны Центральной Азии. Караваны, груженные бесценной тканью, отправились на запад, дав этому древнему маршруту название Шелкового пути. Постепенно торговля шелком распространилась на соседние страны – в Корею и Японию, а впоследствии – в Индию и Персию. Шелк отправляли на судах и караванами через горы и пустыни в Европу.

Но, несмотря на развитие торговли, китайцы еще в течение нескольких веков строго хранили секрет производства шелка - любая попытка вывезти бабочек, гусениц или яйца за границу каралась смертной казнью.

Попыток объяснить происхождение шелка было очень много. Знатные европейские вельможи, любуясь матовым блеском чудо-ткани, никак не могли взять в толк, из чего она сделана. Римский поэт Вергилий полагал, что шелк вычесывают из листьев, греческий историк Дионисий думал, что его получают из цветов.

Также европейцы верили, что блестящие мягкие нити «произрастают» на особых деревьях или что шелк как паутину производят гигантские жуки. Другие уверяли, что

шелк – это пух особых птиц. А Аммианус Марцеплинус, римский историк IV века, даже заявил: «Шелковые ткани производятся из земли! В Китае земля мягкая, как шерсть, - утверждал он – После поливки и особой культивации ее можно использовать для формирования шелковых нитей!»

## Великий Шелковый Путь

### *Великий Шелковый Путь - Путеводитель*




**Великий Шелковый Путь…** Что мы о нем знаем? Воображение сразу же рисует нам бескрайнее песчаное море знойной пустыни. Рассекая барханы, словно волны, бредут по ней нескончаемые караваны, нагруженные богатыми товарами…

Но, это только лишь часть правды. Великий Шелковый Путь протянулся на тысячи километров, ведя караваны и по палящим пустыням, и по живописным оазисам, и по горным перевалам. На протяжении пути возникали, расцветали и опустошались города и целые цивилизации. Немало опустошительных войн, разрушений, пожарищ, голода и мора видели древние города, расположенные вдоль Шелкового Пути. Веками шумели разноязычные, восточные базары, сотни

лет по пыльным караванным дорогам везли купцы для продажи европейцам драгоценные шелка и каменья, пряности и красители, золото и серебро, экзотичных птиц и зверей. Исходя из этого, можно сказать, что Великий Шелковый Путь – это грандиозный торговый маршрут, соединивший Восток и Запад и ставший причиной возникновения множества уникальных городов, исторических памятников, обычаев и даже государств.

Итак, как же возник этот удивительный маршрут, ставший впоследствии источником культурного обогащения Запада и Востока. Обратимся к увлекательной истории Шелкового пути.